

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ БИРДАМЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз глобал миқёсда кескинлик сакланиб қолаётган ва давлатлар ўртасида ишонч заифлашётган ҳозирги шароитда тинчлик-севарлик ҳамда воситачилик таъминчиларига умумий содиқлик ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бораётганини таъкидлади. Айнан шу сабабли ҳам Ўзбекистон Туркманистоннинг 2025 йилни “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилиш ҳақидаги таклифи ни қўллаб-қувватлаб, БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюциясининг ҳаммуаллифи бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳурмат ва жипслик таъминчилари Марказий Осиёда барқарорлик ва яхши қўшничилик мақомига айлантириш борасидаги сиёсатнинг ҳам асоси эканлиги қайд этилди.

— Ўтган ойда Тошкентда бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ҳам-жиҳатлики мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар, кўп қиррали иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёр эканлигимизни яна бир бор кўрсатди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу нуқтаи назардан, Туркманистон-

нинг конструктив ва тинчликсеварлик сиёсати Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланишига алоҳида урғу берилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистоннинг замирида тинчлик ва ишонч каби эзгу ғоялар мужассам бўлган бу таклифлари Ашхободнинг минтақа давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари форматда раислиги давомида кун тартибидан муносиб ўрин эгаллашига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз етакчиси ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган гуманитар ҳамкорлиқни илгари су-

риш муҳимлигини таъкидлаб, келгуси йили Тошкентда “Маданиятлар мулоқоти” қўшма халқаро гуманитар форумини ташкил этиш ва “Ёшлар тинчлиги ва ишонч йўлида” минтақавий дастурини жорий этишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Ўзбекистон дунёда адолатли ва барқарор тартиботни барпо этишга бундан бўён ҳам амалий ҳисса қўшишга тайёргилини таъкидлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎзА.



ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АБДУРАИМ ҲАМИДОВ

Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини қишлоқ ҳўжалиги соҳаси тараққиётига бағишлаган таниқли фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураим Ҳамидов 82 ёшида вафот этди.

А. Ҳамидов 1943 йил 20 октябрда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда тумандаги “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалигида механик-затторликдан бошлади. Кейинчалик ширкат ҳўжалиги пудратчиси сифатида меҳнат қилди. 2007 йилда “Шаҳанд хумо куши” фермер ҳўжалигини ташкил этиб, кўп йиллар давомида фидойилик билан фаолият юритди.

А. Ҳамидов қарийб 60 йиллик иш фаолияти мобайнида ўзини деҳқончилик илмини чуқур биладиган ҳақиқий миришкор, замонавий агротехнологияларни пухта эгаллаган, пахтачиликда ўз мактабини яратган фидойи фермер, меҳнатсевар, самимий ва эл-юртга садоқатли инсон сифатида намоён этиб, мамлакатимизда аграр соҳада кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракати ривожини янги босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшди.

У халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати сифатида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларида алоҳида фаоллик кўрсатди.

Абдураим Ҳамидовнинг узоқ йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб таъкидланди. У “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, “Меҳнат шухрати” ордени ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган эди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг таниқли намоандаси, жонқуяр устоз, самимий ва камтарин инсон Абдураим Ҳамидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ, Ш. АБДУРАЗЗОҚОВ

Парламент дипломатияси

ТуркПА Бош котиби билан учрашув

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТуркПА) Бош котиби Рамил Ҳасан билан учрашди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва ТуркПА ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти ва туркий дунёнинг бошқа ихтисослаштирилган институтлари доирасидаги алоқаларни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг туркий тили халқларнинг маданий меросини сақлаш ва оммалаштиришга қаратилган ТУРКСОЙ халқаро ташкилотидagi иштироки юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон парламенти аъзоларининг ТуркПА доирасидаги самарали фаолияти

ти алоҳида таъкидланди. Олий Мажлис палаталари делегациялари Ассамблеянинг ялпи мажлислири, соҳага оид комиссиялар йиғилишлари ва форумларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Учрашув якуни бўйича туркий тили давлатлар парламентлари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ТуркПА доирасида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш бўйича келишувга эришилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сенатор ва ҳаёт

Аёллар манфаати устувор

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида аёллар ва қизларнинг адолатга эришишда тенг имкониятларни таъминлаш масаласига бағишланган юқори даражадаги учрашувда иштирок этди.

Тадбир 2026 йилда ўтказиладиган Аёллар мақоми бўйича комиссиянинг 70-сессиясига ҳудудий тайёргарлик жараёнининг муҳим босқичи бўлиши билан аҳамиятлидир.

Учрашув Ўзбекистон ҳукумати ҳамда “БМТ-аёллар” тузилмасининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий офиси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон делегациялари иштирок этди.

Учрашувда сенатор мамлакатимизда аёллар ва қизларнинг адолатга эришиш имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, илгор тажриба ва нати-

жалар ҳақида маълумот берди. Тадбир иштирокчилари аёллар ва қизларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қучайтириш, муурожаат қилишдаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, дискриминацияга қарши самарали механизмларни жорий қилиш, зўравонликдан жабрланганларга кўмак кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалаларини атрофлича муҳокама этди.

Учрашув якунида иштирокчи мамлакатлар аёллар ва қизлар учун адолатга эришишда тенг имкониятларни таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга содиқлигини тасдиқловчи қўшма баёнот қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМЕРИКА ҚИТЪАСИДАГИ ҲАМКОРИ

Парагвай — Жанубий Америкада ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакат бўлиб, дунёда ўртача ўринни эгаллайди. Аҳолиси 7,5 миллиондан зиёд. Жанубий Америкадаги қуруқликда жойлашган, сув йўллариға ёпиқлиги жиҳатидан Ўзбекистонга ўхшаш мамлакат — Парагвай иқтисодиёти бозор қондалари бўйича шаклланган, қишлоқ ҳўжалигиға йўналтирилган. Аграр тизим экспорти соя, гўшт ва пахтаға асосланган. Устувор афзалликлари орасида ёш аҳоли ва мўл гидроэлектр ресурслари ажралиб туради.

Минтақавий интеграция

Парагвай Ўзбекистон каби ташқи сиёсатда минтақавий интеграцияни мустаҳкамлашга (MERCOSUR), қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари учун бозорларни диверсификация қилишга (Эрон, АҚШ, Осиё) ва икки томонлама алоқаларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратади, шу жумладан, халқаро муносабатларда ҳам, иқтисодий ривожланиш ва инвестициялар, айниқса, инфратузилмага сарможа жалб қилишга интилади.

Латин Америкаси давлати Президентини Сантьяго Пенянинг Ўзбекистонга амалга оширган илк ташрифи икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиқни кенгайтириш учун янги имкониятларни ашгитини очди. Ўзбекистон ва Парагвай иқтисодиётлари бир-бирини тўлдирувчи хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг ўзаро манфаатли савдо имкониятларини оширади.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт махсулотлари олтин, табиий газ, текстиль, мис, мева-сабзавотлар бўлса, Парагвай махсулотлари, гўшт, электр энергияси, дон экспорт қилади. Ўзбекистон ускуналар, нефть махсулотлари, транспорт воситалари, кимёвий махсулотлар, Парагвай эса саноат хомашёлари, машиналар, электроника, транспорт воситаларини импорт қилади. Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръати ҳар йили тахминан 5,5-6 фоиз, Парагвайники тахминан 4-4,5 фоиздан иборат.

Ўзбекистон МДХ, ШХТ, ТДТ, ИХТ, ЕОИИ (қузатувчи) аъзоси саналса, Парагвай “Mercosur” (Жанубий умумий бозор)нинг фаол иштирокчиси. Парагвай учун экспортни рағбатлантириш ва инвестицияларни жалб қилишда Жанубий Америка минтақавий интеграция бирлашмаларига аъзоликдан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий жараёнларга жалб этилишини чуқурлаштириш борасидаги савй-ҳаракатларига ҳамоҳанг ёндашувдир.



Ўзбекистон катта аҳоли ва ривожланаётган ишлаб чиқариш базасига эга бўлиб, Марказий Осиёдаги йирик бозор ҳисобланади. Парагвай эса аҳолиси нисбатан кам бўлса-да, Жанубий Американинг муҳим агроиқтисодий маркази ва “Mercosur” блокига кириш дарвозаси ҳисобланади. Ҳозирда икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми жуда паст, аммо бир-бирига тегишли бўлмаган товарларни таклиф қилиш имконияти катта. Ўзбекистон ва Парагвай ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланиши уларнинг иқтисодий ўзаро тўлдирувчанлигига асосланади.

Ўзбекистон Парагвайга текстиль саноати, пахта толаси ва газлама, тайёр

“Бирлашган савй-ҳаракатлар, айниқса, логистика инфратузилмаси ва ўзаро инвестицияларга эътибор қаратиш орқали, Ўзбекистон ва Парагвай Марказий Осиё ҳамда Жанубий Америка ўртасидаги янги иқтисодий кўприқни яратиши мумкин. Бунинг учун пойдевор бор. Яъни Ўзбекистон ва Парагвайда иқтисодиёт барқарор, инфляция паст даражада бўлиб, бу инвестицияларни жалб этиш гарови бўлиб хизмат қилади.”

кийим-кечак етказиб бериш салоҳиятига эга. Зеро, Ўзбекистон арзон ва сифатли текстиль ишлаб чиқариш таърибасига эга. Қуритилган меваалар, дуккаки махсулотлар (нўхат, левия), зираворлар Парагвайда талаб юқори бўлган, аммо етиштирилмайдиган ноёб махсулотлар саналади.

Янги савдо имкониятлари

Ўзбекистон — дунёдаги йирик ўғит ишлаб чиқарувчилардан бири. Парагвайда қишлоқ ҳўжалиги кенг ривожлангани учун ўғитларга талаб катта. Марказий Американинг бу давлати маийший техника, автомобиль қисмлари, трактор ва қишлоқ ҳўжалиги техникаларини, Ўзбекистонда йиғилган техникаларни “Mercosur” бозорига қиритиш имкониятига эга. Мис ва мисдан ишланган махсулотлар ҳам Жанубий Америка саноати учун стратегик хомашё.

Латин Америкаси мамлакати эса

озиқ-овқат ва агробизнес соҳасида, дейлик, гўшт ва қорвачилик озукасига талаб юқори бўлган Ўзбекистон учун муҳим шерикка айланиши мумкин. Соя ва соя ёғи, соя келаги Парагвайда катта миқдорда ишлаб чиқарилади, у дунёдаги йирик соя экспортчиси. Ўзбекистонда қорвачилик ривожланмоқда, соя озукасига талаб юқори. Музлатилган юқори сифатли мол гўшти (халол сертификатлаштириш билан) экспорти бўйича Парагвай дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Чили, Бразилия, Аргентина ва Россия ҳозирча Парагвай гўштининг асосий харидори. Ўзбекистон бозорига гўштга талаб ва импорт ҳажми юқори.

Парагвай электр қуввати ишлаб чиқаришда ҳам Латин Америкасидаги илгор мамлакат. Яна бир йирик даромад манбаи электр энергия экспорти саналади. Мамлакатда гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилаётган қувватлар мамлакатни 100 фоиз энергия билан таъминлайди. Сьюдад-дел-Эста шаҳридан унча узоқ бўлмаган, дунёдаги учинчи энг йирик Итайпү ГЭСи шу қадар кўп энергия берадики,

Парагвай уни Бразилия ва Аргентинага сотишдан катта даромад олади.

Мамлакатда қитъадаги энг арзон электр энергия ишлаб чиқарилади — бир киловатти 0.056 доллар. Бу қўшни Чилидан 3 баробар, Уругвайдан 5 қара арзон демақдир. Технологик ускуналар, эксперт маслаҳатлари нўқтаи назаридан ҳамда Итайпү ГЭСи таърибасидан Ўзбекистоннинг ГЭС лойиҳаларида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Парагвайнинг йирик гидроэнергетика лойиҳаларини бошқаришдаги

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Парагвай ўртасида савдо алоқалари ҳажми кичик бўлса-да Ўзбекистон ҳам, Парагвай ҳам ташқи савдо географиясини кенгайтириш, янги инвестицияларни жалб қилиш, миллий махсулотлар ва технологияларни жаҳон бозорларига олиб чиқишга интилиб, иқтисодий дипломатияни фаол ривожлантирмоқда.

Шу маънода, Тошкентда имзоланган келишувлар ўзаро савдони кенгайтириш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, қайта ишлаш, энергетика соҳаларида кооперацияни йўлга қўйиш, иқтисодий ислохотлар ва муҳим тармоқларни модернизация қилиш борасида таъриба алмашиш учун жиддий истиқболлар очмоқда.



тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг сув танқислиги шароитида каналларнинг самарадорлигини ошириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва кичик/ўрта ГЭСларни қуриш бўйича техник-иқтисодий асослаш ишларини олиб бориш мумкин. Бу Ўзбекистонда сув ресурсларини оқилона бошқариш ва энергетика хавфсизлигини оширишга имкон беради.

Тўғри, Ўзбекистон ва Парагвай савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда логистика муаммоси бор. Яъни энг катта тўсиқ — узоқ масофа ва денгизга чиқиш йўлларининг йўқлиги. Буни ҳал қилиш учун Ўзбекистоннинг Туркия/Грузия орқали Қора денгизга ва Парагвайнинг Атлантика океанига чиқиш йўлларини (Аргентина/Бразилия портлари орқали) бирлаштирувчи мураккаб логистик занжирларни йўлга қўйиш зарур.

Бирлашган савй-ҳаракатлар самараси

Демак, Парагвай Президентининг мамлакатимизга ташрифи нафақат тарихий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам катта истиқболларга эга. Узоқ масофа ва логистик қийинчиликларга қарамаздан икки мамлакат бир-бирини тўлдирувчи товарлар ва стратегик геосиёсий манфаатлар тўғрисида қитъалараро ҳамкорлиқни йўлга қўйишга қодир.

Бирлашган савй-ҳаракатлар, айниқса, логистика инфратузилмаси ва ўзаро инвестицияларга эътибор қаратиш орқали, Ўзбекистон ва Парагвай Марказий Осиё ҳамда Жанубий Америка ўртасидаги янги иқтисодий кўприқни яратиши мумкин. Бунинг учун пойдевор бор. Яъни Ўзбекистон ва Парагвайда иқтисодиёт барқарор, инфляция паст даражада бўлиб, бу инвестицияларни жалб этиш гарови бўлиб хизмат қилади.

Абдималик ИБРАГИМОВ,

Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетининг Таълим сифатини таъминлаш ва аккредитация бўлими бошлиғи, профессор.

УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНАЁТГАН МАЪНАВИЯТ

Аёнки, жамият тараққиёти, аввало, инсон тафаккурининг юксаклиги, маънавиятининг мустақамлиги ва маърифатга интилиш даражаси билан белгиланади. Айниқса, олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлиги ёшларнинг дунёқараши, ватанпарварлик туйғуси, ҳуқуқий онги ҳамда миллий қадриятларга садоқатини шакллантиришда бекиёс аҳамиятга эга.

Нуктаи назар

Андижон давлат тиббиёт институти ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий юксалиш сиёсатининг амалий кўриниши сифатида ўқув жараёнини илмий изланишлар билан уйғунлаштириб, талаба-ёшларнинг баркамол авлод сифатида камол топишига хизмат қилаётган йирик илмий-маърифий даргоҳлардан биридир. 2024-2025 йиллар давомида таълим-тарбия, илм-фан, халқаро ҳамкорлик, маърифий ташаббуслар ва инфратузилма ривож буйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Ўтган йил давомида институт профессор-ўқитувчилари томонидан илмий фаолиятнинг самарали йўлга қўйилгани натижасида ўнга яқин докторлик (DSc) ҳамда эллика яқин фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари учун диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинди. Шунингдек, илмий салоҳиятни мустақамлаш мақсадида элликан ортик монографиялар чоп этилди. Шу билан бирга, саксонга яқин патентлар олингани, 205 та рационализаторлик таклифи ҳамда 400 га яқин илмий тавсиялар амалиётга жорий этилгани самарадорлик юқорилаётганини яна бир бор кўрсатади. Ва ушбу ютуқлар мамлакатимиздаги ҳамда хорижий юқори импакт-факторли илмий журналларда, шунингдек, “Scopus” ва “Web of Science” маълумотлар базасига киритилган нашрларда илмий мақола сифатида чоп этилгани билан аҳамиятлидир.

Илмий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани туфайли институтда ҳозирга қадар хорижий олимлар иштирокда йигирмадан зиёд илмий анжуманлар ўтказилди. Шунингдек, Жанубий Корея миллий транспорт университети билан “Парамедицина” лойиҳаси йўлга қўйилиб, унинг доирасида 68 минг долларлик замонавий сиуляцион ўқув ускуналари харид қилинди.



Европанинг “Erasmus+” дастури доирасида Италия билан 585 минг евро, Латвия билан 385 минг евролик лойиҳа амалга оширилаётгани институтни халқаро миқёсда танитишда муҳим омил бўлаётди. Қолаверса, ўтган давр мобайнида тўрт қаватли замонавий илмий лаборатория маркази барпо этилгани ва улар илгор жиҳозлар билан таъминланаётгани инфратузилманинг тубдан янгиланаётганини кўрсатади.

Зукко талабалар — фахримиз

Айтиш жоизки, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ютуқлари давлат миқёсидаги мукофотларда ҳам ўз ифодасини топаётди.

Жумладан, талабаларимиз орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, Ислон Каримов номидаги давлат стипендияси, Ибн Сино номидаги давлат стипендияси, шунингдек, Врачлар ассоциацияси стипендиантлари кўпчиликини ташкил этади.

Жорий йилда институт ўқитувчиларидан етти нафари “Олий таълим аълочиси”, тўрт нафари “Соғлиқни сақлаш аълочиси”, икки нафари эса Соғлиқни сақлаш вазирининг фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Тиббиёт соҳасида алоҳида эътирофга лойиқ меҳнати учун Травматология, ортопедия ва нейрожаррохлик кафедраси мудири Қобил Худойбердиев “II даражали Соғлом

авлод учун” ордени билан мукофотланиб, “Йилнинг энг яхши нейрохирурги” номинациясида республика биринчилигини қўлга киритди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Институт ректорининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулҳаё Холматова Олий Мажлис Сенатининг фахрий ёрлиги билан тақдирлангани барчамизни қувонтирди. Шунингдек, Жанубий Корея халқаро “KIBE — 2024” кўргазмасида доцент Хурматой Ханкелдиеванинг олтин медал билан тақдирлангани, қирқ нафар профессор-ўқитувчининг вилоят ҳокимлиги фахрий ёрлиғига сазовор бўлгани институт жамоасининг фидокорона меҳнатидан далолатдир.

Йил аяқланишига ҳам оз қолди. Албатта, ҳар бир инсон айна пайтда қилинган ишлар сарҳисобини юритиши табиий. Шу маънода, 2025 йил давомида маънавий-маърифий йўналишларда ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Жумладан, “Юртим қадриятлари” республика кўрик-танловида институтимизнинг “Шифокорлар” жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллаб, махсус сертификатни қўлга киритди. “Кувноқлар ва зукколар” кўрик-танловининг республика босқичида “Улфатлар” жамоаси фахрли ўринни эгаллади. “Заковат — Quiz” интеллектуал ўйинининг республика финалида ҳам институт жамоаси фахрли учинчи ўринни қўлга киритгани спорт ҳамда соғлом турмуш тариготида қаратилган сайёҳаракатлар самарасидир.

Шу билан бирга, институтда фан, маданият, санъат, спорт, ихтиро, стартап, дебат ҳамда бошқа йўналишлардаги тўғарак ва клубларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, уларнинг мунтазам фаолиятини таъминлаш борасида ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Талаба-ёшлар ўртасида Ўзбекистоннинг дунёвий давлат сифатида конституциявий тамойиллари, давлат ва диннинг ажратилганлиги, таълим жараёнида диний таъсирларга йўл қўйилмаслиги каби муҳим жиҳатлар борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Соғлом маънавий муҳитни шакллантириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, психологик профилантика машғулотлари, театр, музей, китобхонлик ва зиёрат дастурлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Мақсадимиз — комил инсонни тарбиялаш

Андижон давлат тиббиёт институтида жорий йилда ҳам илмий изланишлар, халқаро ҳамкорлик, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар янада кенгайтирилди.

Хусусан, олий таълим муассасамизда маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларнинг мамлакатимизда танилган ижодкорлар, журналистлар ва олим мутахассислар билан ўрашувлари ташкил этилиб, улар иштирокида маҳорат дарслари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Буюк алломаларимиз мероси ва ижодини чуқур ўрганиш мақсадида тажрибали мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари йўлга қўйилган бўлиб, бу анжуманлар талабаларнинг билимларини янада бойитишга хизмат қилаётди.

Талабалар ўз салоҳияти ва қобилиятини намойиш этиши учун мусика, пазандчилик, тикувчилик ҳамда спорт тўғрақлари фаолият олиб бормоқда. Уларда талабаларнинг қатнашиш қўлами кун сайин ошмоқда. Айниқса, “Талабалар театр студияси” институтимиз фахрига айланиб, бугунги кунда нафақат вилоят, балки республика миқёсида ҳам танилиб бормоқда. Студия ижодкорлари сафи тобора кенгайиб, янги иқтидорлар камол топтопти.

Қолаверса, “Заковат” интеллектуал ўйини талабаларимизнинг ақлий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этаётган бўлса, бошқа турли маънавий-маърифий тадбирлар уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, салоҳияти, ижодий фикрлаши ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ишонамизки, бу йўналишдаги кенг қамровли маънавий-маърифий фаолият нафақат таълим жараёнида таъмир, балки жамиятга маънан етук, элу юрт тақдирига бефарқ бўлмаган, ижодкор ҳамда ташаббускор мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Мадамин МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi

TOSHKENT TO‘QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI

vakant (bo’sh) professor-o‘qituvchilar lavozimiga tanlov e’lon qiladi

1.	Tolali materiallarni dastlabki ishlash	Professor
2.	Mexanika muhandisligi	Dotsent
3.	O'zbek va xorijiy tillar	Katta o'qituvchi
		Assistent
4.	Charm va poyabzal muhandisligi	Professor
		Dotsent
5.	Ipak va yigirish texnologiyasi	Dotsent
6.	Buxgalteriya hisobi va marketing	Dotsent
		Katta o'qituvchi
7.	Iqtisodiyot va menejment	Professor
8.	Kimyo va matbaa muhandisligi	Dotsent v.v.b.
		Katta o'qituvchi
		Assistent
9.	To'qimachilik matolari texnologiyasi	Dotsent
10.	Materialshunoslik va standartlashtirish	Dotsent
		Assistent
11.	Tikuv buyumlari texnologiyasi va raqamli injiniring	Dotsent
12.	Moda va dizayn	Professor
		Dotsent
		Katta o'qituvchi
13.	Ijtimoiy fanlar va jismoniy madaniyat	Katta o'qituvchi

Tanlovda ishtirok etishni xohlovchilar rektor nomiga ariza bilan kadrlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa, diplomlar va attestatlar nusxalari, ilmiy ishlar va ixtirolar ro'yxati, malaka oshirganlik to'g'risida hujjatlar nusxalari topshiradilar. Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddatda qabul qilinadi.

Eslatma: mazkur institutda ishlovchi shaxslar o'tgan muddat bo'yicha kafedrada hisobot beradilar, tanlovda ishtirok etuvchilar sinov darslari o'tkazadi.

Manzil: Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, Shohjahon ko'chasi, 5-uy, 1-bino, 208-xona. Tel.: 71-253-17-78.



Бокс:

ОЛТИ НАФАР БОКСЧИМИЗ ФИНАЛДА

Шу кунларда Дубай шаҳрида Халқаро бокс ассоциацияси (IBA) ташкилотчилигида жаҳон чемпионати бўлиб ўтаётди. Унда дунёнинг 118 та мамлакатидан 550 нафар чарм кўлқоп устаси қатнашмоқда. Кун кеча мусобақанинг яримфинал баҳсларида чарм кўлқоп усталари ўзаро баҳс олиб борди.

Хусусан, мазкур боксчи бахсларигача етиб келган Ўзбекистон терма жамоасининг 9 нафарида 6 нафари рақибларидан устун келиб, чемпионлик учун финал беллашувларида рингга кўтарилади. Х. Дусматов (-51 кг.), А. Халокков (-60 кг.), А. Мўйдинхўжаев (-67 кг.), Ж. Умматалиев (-80 кг.), Т. Хабибуллаев (-92 кг.), А. Маханов (+92 кг.) жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш йўлида жангга киришади.

А. Жалилов (-54 кг.), Х. Нортониев (-57 кг.), Ф. Эркинбоев (-75 кг.) дунё биринчилигини бронза медал билан яқунлашди.



Футбол:

«ХОРАЗМ» СУПЕРЛИГАДА ҚОЛДИ

Суперлиганинг плей-офф босқичи доирасидаги “Бухоро” — “Хоразм” учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда “Хоразм” жамоаси сафарда 2:1 ҳисобида муҳим ғалабага эришиб, келаси мавсумда ҳам суперлигада иштирок этадиган бўлди. Меҳмонлар томонидан киритилган голларга А. Хусинов ва Т. Исмоилов муаллифлик қилди. “Бухоро” клуби энди Проллигада 2-ўринни эгаллаган “Арал” билан ўтиш ўйинида қатнашади.



Шахмат:

БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШ

Пойтахтимизда шахмат бўйича мукофот жамғармаси 80 минг АҚШ доллари бўлган “Президент кубоги” баҳслари давом этаётди.

Мусобақада дунёнинг турли мамлакатларидан келган маҳоратли гроссмейстерлар бош соврин учун курашмоқда. Хусусан, мазкур турнирда биринчи рақам остида тушган хиндистонлик Ниҳал Сарин (2701), шунингдек, уч нафар юртдошимиз — Шамсиддин Воҳидов, Абдималик Абдисалимов ва Муҳиддин Мадаминов ҳам ўз имкониятларини синовдан ўтказиб, чемпионлик учун қизгин баҳс олиб бораётди.

8 турдан сўнг Н. Сарин 6 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, кейинги ўринларда 4,5 очкодан олган М. Мадаминов ва Ш. Воҳидов жойлашган.



Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

«Ўзтемирўйўловчи» АЖ талабаларга 2025 йил 18 декабрдан 2026 йил 12 январга қадар маҳаллий йўналишдаги қатновлар учун чегирмалар эълон қилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 379 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўзбўйлаб тақрир қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазлиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят марказида термиди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Алиқуллов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.08 Топширилди — 01.08 1 2 3 4 5 6